

Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус ва профессионал таълим


2024/2025 ўқув йили бошига

- I. Фаолият юритаётган ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотлари
- II. Ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларига қабул қилинганлар
- III. Ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида таҳсил олаётган ўқувчилар
- IV. Ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларининг битирувчилари
- V. Ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида меҳнат фаолиятини юритаётган педагог ходимлар (ўриндошларсиз)
- VI. Ўрта махсус ва профессионал таълим бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

I. Фаолият юритаётган ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотлари

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус ва профессионал таълим тизимида сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда, жумладан, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларининг умумий сони ортиб бормоқда. 2024/2025 ўқув йили бошида 2021/2022 ўқув йилига нисбатан уларнинг сони **18 тага**, яъни **2,2 % га** кўпайиб, **845 тани** ташкил этган.

Фаолият юритаётган ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотлари сони (тегишли ўқув йили бошига, бирлик)



Фаолият юритаётган академик лицейлар сони 2024/2025 ўқув йили бошида **92 тани** ташкил этган ва 2021/2022 ўқув йилига нисбатан **6 тага**, яъни **7,0 % га** ошгани кузатилган. Шунингдек, техникумлар сонига ҳам ўсиш қайд этилган. Мазкур давр давомида уларнинг сони **57 тага (26,5 % га)** ошиб, 2024/2025 ўқув йили бошида **272 тани** ташкил этган.

Касб-ҳунар мактаблари ва коллежлар сонига эса юқорида кўрсатилган давр мобайнида пасайиш кузатилган. 2024/2025 ўқув йили бошида 2021/2022 ўқув йилига нисбатан касб-ҳунар мактаблари сони **8 тага** (яъни **2,3 % га**), коллежлар сони **37 тага (20,1 % га)** камайиб, тегишлилигича **334 та** ва **147 тани** ташкил этган.

Фаолият юритаётган ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотлари
сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши
(2024/2025 ўқув йили бошига, бирлик)

	Академик лицейлар	Касб-ҳунар мактаблари	Коллежлар	Техникумлар
Ўзбекистон Респ.	92	334	147	272
Қорақалпоғистон Респ.	4	22	11	20
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	6	32	15	22
Бухоро	5	20	11	20
Жиззах	3	15	6	14
Қашқадарё	7	35	14	22
Навоий	3	11	3	13
Наманган	6	27	14	21
Самарқанд	10	36	14	22
Сурхондарё	4	29	11	20
Сирдарё	3	12	4	10
Тошкент	4	32	11	21
Фарғона	5	33	17	29
Хоразм	4	25	7	14
Тошкент ш.	28	5	9	24

Энг кўп академик лицейлар Тошкент шаҳри (**28 та**), Самарқанд (**10 та**) ва Қашқадарё (**7 та**) вилоятларида кузатилган. Касб-ҳунар мактаблари бўйича – Самарқанд (**36 та**), Қашқадарё (**35 та**) ва Фарғона (**33 та**) вилоятлари, коллежлар бўйича – Фарғона (**17 та**), Андижон (**15 та**) ва Самарқанд (**14 та**) вилоятлари, ҳамда техникумлар сони бўйича Фарғона вилояти (**29 та**), Тошкент шаҳри (**24 та**) ва Андижон вилоятлари (**22 та**) энг юқори кўрсаткичларни қайд этганлар.

Бошқа ҳудудларга нисбатан, энг кам академик лицейлар Сирдарё, Навоий ва Жиззах вилоятларида (ҳар бирида **3 тадан**) кузатилган. Энг кам касб-ҳунар мактаблари Тошкент шаҳри (**5 та**), Навоий (**11 та**) ва Сирдарё (**12 та**) вилоятларида жойлашган. Коллежлар сони бўйича энг паст кўрсаткич Навоий (**3 та**), Сирдарё (**4 та**) ва Жиззах (**6 та**) вилоятларида белгиланган. Техникумлар сони бўйича ҳам Сирдарё (**10 та**), Навоий (**13 та**) ва Жиззах (**14 та**) вилоятлари энг паст кўрсаткичга эга бўлганлар.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Фаолият юритаётган ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотлари \(жами\)](#)


[Академик лицейлар сони](#)

[Коллежлар сони](#)

II. Ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларига қабул қилинганлар

Мамлакатда ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларига қабул қилинган ўқувчилар сонида умумий ўсиш кузатилмоқда. 2024/2025 ўқув йили бошида 2021/2022 ўқув йилига нисбатан касб-ҳунар мактабларига қабул қилинганлар сони сезиларли даражада ошиб, **93,0 минг нафардан 127,2 минг нафаргача** кўпайган, яъни **36,8 % га**. Техникумларга қабул қилинганлар сони эса **49,5 минг нафардан 52,9 минг нафаргача**, яъни **6,9 % га** ошган.

Қабул қилинган ўқувчилар сони
(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



Кузатилаётган давр мобайнида академик лицейларга ўқувчиларни қабул қилиш кўрсаткичи ҳам ўсганини кўриш мумкин – **16,6 минг нафардан 19,1 минг нафаргача**, яъни **15,1 % га** ошган. Бироқ, коллежларда қабул қилинганлар сони кескин камайган – **46,8 минг нафардан 13,1 минг нафаргача**, деярли **3,5 баробарга**.

Қабул қилинган ўқувчилар сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши
(2024/2025 ўқув йили бошига, минг киши)

	Академик лицейлар	Касб-ҳунар мактаблари	Коллежлар	Техникумлар
Ўзбекистон Респ.	19,1	127,2	13,1	52,9
Қорақалпоғистон Респ.	0,9	5,8	0,8	2,9
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	1,1	12,2	1,4	4,9
Бухоро	1,1	7,9	1,3	4,1
Жиззах	0,8	3,9	0,3	3,5
Қашқадарё	1,4	19,1	2,3	5,4
Навоий	0,6	3,5	0,3	2,0
Наманган	1,4	11,0	1,6	3,7
Самарқанд	2,1	15,4	1,3	4,5
Сурхондарё	0,6	9,7	0,7	3,1
Сирдарё	0,5	3,1	0,7	1,6
Тошкент	0,7	11,0	0,6	2,8
Фарғона	1,2	16,8	0,6	6,1
Хоразм	0,8	5,5	0,5	2,5
Тошкент ш.	5,9	2,3	0,7	5,8

Академик лицейларга қабул қилинган ўқувчилар сони бўйича энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳри (**5,9 минг нафар**), касб-ҳунар мактаблари ва коллежлар бўйича – Қашқадарё вилояти (тегишлилигича **19,1 минг** ва **2,3 минг нафар**), техникумлар бўйича – Фарғона вилояти (**6,1 минг нафар**)да энг юқори кўрсаткичлар кузатилган.

Қабул қилинган ўқувчилар сони бошқа ҳудудларга нисбатан академик лицейлар бўйича Сирдарё вилояти (**0,5 минг нафар**), касб-ҳунар мактаблари бўйича – Тошкент шаҳри (**2,3 минг**), коллежлар бўйича – Навоий вилояти (**0,3 минг**), техникумлар бўйича – Сирдарё вилояти (**1,6 минг**)да энг паст кўрсаткичлар белгиланган.


Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларига қабул қилинган ўқувчилар сони \(жами\)](#)

III. Ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида тахсил олаётган ўқувчилар

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида тахсил олаётган ўқувчиларнинг умумий сони ортиб бормоқда. 2024/2025 ўқув йили бошида 2021/2022 ўқув йилига нисбатан уларнинг сони **24,2 минг нафарга**, яъни деярли **6,0 %** га кўпайиб, **428,6 минг нафарни** ташкил этган.

Тахсил олаётган ўқувчилар сони
(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



Академик лицейларда тахсил олаётган ўқувчиларга келсак, 2024/2025 ўқув йили бошида уларнинг сони **34,8 минг нафарни** ташкил этган ва 2021/2022 ўқув йилига нисбатан **3,1 %** га камайган. Шунингдек, коллеж ўқувчилари сони ҳам камайган — ушбу давр мобайнида **56,2 минг нафарга** (яъни **59,0 %** га) қисқариб, 2024/2025 ўқув йили бошида **39,0 минг нафарни** ташкил этган.

Юқорида қайд этилган вақт оралиғида касб-ҳунар мактаблари ва техникумлардаги ўқувчилар сонини ортиши кузатилган. 2024/2025 ўқув йили бошига келиб, 2021/2022 ўқув йилига нисбатан касб-ҳунар мактабларида ўқувчилар сони **59,4 минг нафарга**, яъни **35,3 %** га ошган, техникумларда эса **22,1 минг нафарга** (**21,0 %** га) кўпайган. Тегишлилиги бўйича уларнинг умумий сони **227,7 минг** ва **127,1 минг нафарни** ташкил этган.

Академик лицейларда тахсил олаётган ўқувчилар сони бўйича энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида (**10,9 минг**), касб-ҳунар мактаблари бўйича Қашқадарё вилоятида (**34,0 минг**), коллежлар бўйича Самарқанд вилоятида (**5,7 минг**), техникумлар бўйича эса Андижон вилоятида (**16,1 минг**) қайд этилган. Бошқа ҳудудларга нисбатан академик лицейлардаги ўқувчилар сони бўйича энг паст кўрсаткич Сирдарё вилоятида (**0,8 минг**), касб-ҳунар мактаблари бўйича Тошкент шаҳрида (**4,0 минг**), коллежлар бўйича Навоий вилоятида (**0,6 минг**), техникумлар бўйича эса Сирдарё вилоятида (**3,0 минг**) кузатилган.

Таҳсил олаётган ўқувчилар сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши
(2024/2025 ўқув йили бошига, минг киши)

	Академик лицейлар	Касб-ҳунар мактаблари	Коллежлар	Техникумлар
Ўзбекистон Респ.	34,8	227,7	39,0	127,1
Қорақалпоғистон Респ.	1,7	11,1	2,5	8,2
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	2,0	22,8	4,2	16,1
Бухоро	2,1	12,9	3,3	8,4
Жиззах	1,5	7,2	1,3	8,6
Қашқадарё	2,4	34,0	4,9	10,7
Навоий	1,2	6,8	0,6	4,7
Наманган	2,5	18,9	3,4	7,3
Самарқанд	3,7	26,1	5,7	15,0
Сурхондарё	1,1	16,7	2,6	6,3
Сирдарё	0,8	5,8	1,4	3,0
Тошкент	1,2	20,0	2,0	6,1
Фарғона	2,1	31,3	3,4	14,6
Хоразм	1,6	10,1	2,0	4,5
Тошкент ш.	10,9	4,0	1,7	13,6

Мавзуга доир кўрсаткичлар:


[Ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида таҳсил олаётган ўқувчилар сони \(жами\)](#)
[Академик лицейларда таҳсил олаётган ўқувчилар сони \(жами\)](#)
[Коллежларда таҳсил олаётган ўқувчилар сони \(жами\)](#)
[Коллежларда таҳсил олаётган ўқувчилар сони \(қиз болалар\)](#)
[Коллежларда таҳсил олаётган ўқувчилар сони \(ўғил болалар\)](#)

**IV. Ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларининг
битирувчилари**

Сўнгги йилларда республикада ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларини битирганлар сонини сезиларли ўсиш кузатилмоқда. 2024 йилда, 2021 йилга нисбатан, уларнинг умумий сони **7,8 баробарга** ошиб, **186,4 минг нафарни** ташкил этган.

Мазкур давр мобайнида касб-ҳунар мактабларининг битирувчилари сони **90,1 минг нафарга** (яъни **902 баробарга**), коллежларники — **24,2 минг нафарга** (**6,9 баробарга**), техникумларники эса **50,5 минг нафарга** (**22 баробарга**) ошгани қайд этилган. Академик лицейларнинг битирувчиларига келсак, ушбу даврда уларнинг сони **2,3 минг нафарга**, яъни **13,3 % га** камайган.

Битирувчилар сони
(тегишли йил учун, минг киши)



Битирувчилар сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши
(2024 йил учун, минг киши)

	Академик лицейлар	Касб-хунар мактаблари	Коллежлар	Техникумлар
Ўзбекистон Респ.	15,0	90,2	28,3	52,9
Қорақалпоғистон Респ.	0,8	4,5	2,0	3,9
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	0,9	8,9	2,8	6,0
Бухоро	0,8	5,0	2,1	3,1
Жиззах	0,8	3,3	1,3	2,6
Қашқадарё	1,0	11,7	2,8	3,1
Навоий	0,6	3,2	0,4	3,3
Наманган	0,9	7,1	1,9	3,1
Самарқанд	1,5	9,8	3,5	7,6
Сурхондарё	0,5	6,1	2,1	2,3
Сирдарё	0,3	2,6	0,7	1,4
Тошкент	0,6	9,2	2,0	3,2
Фарғона	0,9	13,0	3,8	6,6
Хоразм	0,6	4,1	1,9	1,6
Тошкент ш.	4,8	1,7	1,0	5,1


Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Академик лицейларнинг битирувчилари сони \(жами\)](#)
[Академик лицейларнинг битирувчилари сони \(қиз болалар\)](#)
[Академик лицейларнинг битирувчилари сони \(ўғил болалар\)](#)
[Коллежларнинг битирувчилари сони \(жами\)](#)
[Коллежларнинг битирувчилари сони \(қиз болалар\)](#)
[Коллежларнинг битирувчилари сони \(ўғил болалар\)](#)

V. Ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида меҳнат фаолиятини юритаётган педагог ходимлар (ўриндошларсиз)

2024/2025 ўқув йили бошида Ўзбекистон Республикасидаги ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида меҳнат фаолиятини юритаётган педагог ходимлар (ўриндошларсиз)нинг умумий сони **26 726 нафарни** ташкил этган ва 2021/2022 ўқув йилига нисбатан **4 719 нафарга**, яъни **21,4 % га** ошган.

Педагог ходимлар (ўриндошларсиз) сони (тегишли ўқув йили бошига, киши)



2024/2025 ўқув йили бошида академик лицейлардаги педагог ходимлар (ўриндошларсиз) сони **3 525 нафарни** ташкил этган ва 2021/2022 ўқув йилига нисбатан **6,5 % га** ошган. Шунингдек, касб-ҳунар мактаблари ва техникумлардаги педагог ходимлар (ўриндошларсиз) сонида ҳам ўсиш кузатилмоқда. Касб-ҳунар мактабларида уларнинг сони **4 482 нафарга**, яъни **45,1 % га** кўпайиб, **14 413 нафарни** ташкил этган. Техникумларда эса ушбу кўрсаткич **1 736 нафарга (35,5 % га)** ошиб, **6 630 нафарга** етган.

Ўз ўрнида, коллежлардаги педагог ходимлар (ўриндошларсиз) сони камайганлиги кузатилган. Мазкур даврда уларнинг сони **1 715 нафарга (44,3 % га)** қисқариб, 2024/2025 ўқув йили бошида **2 158 нафарни** ташкил этган.

Энга кўп педагог ходимлар (ўриндошларсиз) сони академик лицейлар бўйича Тошкент шаҳри (**1 079 нафар**), касб-ҳунар мактаблари бўйича — Қашқадарё вилояти (**1 949 нафар**), коллежлар бўйича — Тошкент шаҳри (**386 нафар**), техникумлар бўйича эса — Фарғона вилояти (**785 нафар**)да кузатилган.

Педагог ходимлар (ўриндошларсиз) сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши
(2024/2025 ўқув йили бошига, киши)

	Академик лицейлар	Касб-ҳунар мактаблари	Коллежлар	Техникумлар
Ўзбекистон Респ.	3 525	14 413	2 158	6 630
Қорақалпоғистон Респ.	194	867	156	530
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	196	1 284	204	579
Бухоро	225	841	108	408
Жиззах	150	576	62	377
Қашқадарё	276	1 949	210	566
Навоий	127	460	44	325
Наманган	200	1 294	101	444
Самарқанд	377	1 637	277	776
Сурхондарё	117	1 199	138	454
Сирдарё	80	448	76	212
Тошкент	103	1 134	92	267
Фарғона	224	1 937	182	785
Хоразм	177	527	122	238
Тошкент ш.	1 079	260	386	669

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Академик лицейлардаги олий маълумотли педагог ходимлар сони](#)
[Коллежлардаги педагог ходимлар сони \(жами\)](#)
[Коллежлардаги педагог ходимлар сони \(аёллар\)](#)
[Коллежлардаги педагог ходимлар сони \(эркаклар\)](#)

**VI. Ўрта махсус ва профессионал таълим бўйича услубий
тушунтиришлар ва метамаълумотлар**

Ўрта махсус таълим академик лицейларда тўққиз йиллик таянч ўрта таълим асосида икки йил мобайнида амалга оширилади ва таълим олувчиларнинг интеллектуал қобилиятларининг жадал ривожланишини, шунингдек чуқур, табақалаштирилган, касб-хунарга ва шахсга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.

Профессионал таълим эгалланадиган касб ва мутахассислик бўйича бошланғич профессионал таълим, ўрта профессионал таълим, ўрта махсус профессионал таълим даражаларини ўз ичига олади.

Бошланғич профессионал таълим касб-ҳунар мактабларида IX синф битирувчилари негизда бепул асосда кундузги таълим шакли бўйича умумтаълим фанларининг ва мутахассислик фанларининг икки йиллик интеграциялашган дастурлари асосида амалга оширилади.

Ўрта профессионал таълим коллежларда давлат буюртмаси ёки тўлов-шартнома асосида касблар ҳамда мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда, давомийлиги икки йилгача бўлган кундузги, кечки ва сиртқи таълим шакллари бўйича умумий ўрта, ўрта махсус таълим ҳамда бошланғич профессионал таълим негизида амалга оширилади.

Ўрта махсус профессионал таълим техникумларда умумий ўрта, ўрта махсус, бошланғич профессионал ва ўрта профессионал таълим негизида давлат буюртмаси ёки тўлов-шартнома асосида касблар ҳамда мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда, давомийлиги камида икки йил бўлган кундузги, кечки ва сиртқи таълим шакллари бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус ва профессионал таълим бўйича статистик маълумотлар йиллик статистик ҳисоботи – 1 o'rtta ta'lim shakli “Бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим муассасалари ва академик лицейлар ҳисоботи” маълумотлари асосида шакллантирилади. Мазкур ҳисобот академик лицейлар, касб-ҳунар мактаблари, коллежлар ва техникумлар томонидан тақдим этилади.

Бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим муассасалари ва академик лицейларнинг статистик ҳисоботи қабул қилинганлар, таҳсил олаётганлар, битирувчилар, педагог ходимлар сони ва ўрта махсус ҳамда профессионал таълим тизимини тавсифловчи бошқа кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Статистик маълумотлар республика ва ҳудудлар кесимида тақдим этилади. Қабул қилинганлар, таҳсил олаётган ўқувчилар, педагог ходимлар сони ва моддий-техник база каби кўрсаткичлар ўқув йили бошига, битирувчилар сони эса ўтган йил якунларига асосан кўрсатилади.

Жамланган маълумотлар таълим тизими ривожланишини мониторинг қилиш, режалаштириш, асосли қарорлар қабул қилиш ва сиёсатни ишлаб чиқиш, шунингдек, Барақарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) ва бошқа халқаро мажбуриятлар доирасида халқаро ҳисоботлар тайёрлаш учун фойдаланилади.

Фойдали ҳаволалар:

[Таълим статистикаси бўйича услубий Низом](#)
[МСКО 2011](#)
[МСКО-0 2013](#)

Тайёрлаш учун масъул:
Ижтимоий соҳа статистикаси
бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент ш.,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63
Эл. манзил: info@stat.uz
Тел.: 71-202-80-70 (71)

